

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ А.Умаров

202__ йил “__” _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

202__ йил “__” _____

Рўйхатга олинди: БД -5111600-2.10

202__ - йил “__” _____

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

фан дастури

| | |
|------------------|---|
| Билим соҳаси | 100 000 – гуманитар |
| Таълим соҳаси: | 110 000 – педагогика |
| Таълим йўналиши: | 5111600 – “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” |

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фалиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 202__ йил “___” _____ даги _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202__ йил “___” _____ даги _____ сонли буйруғи билан фан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Тузувчилар: Н.М.Акаева ТДПУ, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти
Сайдалиходжаева ТДПУ, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
Н.Ф. –
Н.К.Жамалов- ТДПУ, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди.

Тақризчилар: Ш.Ш. Шаякубов- Тошкент давлат юридик университети, Умумтаълим фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

А.А.Дадашева - Давлат бошқаруви Президент Академияси “Давлат тузилиши ва бошқарувнинг ҳуқуқий асослари” кафедраси доценти, ю.ф.н.

Фан дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув - услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 - йил “___” _____ даги _____ -сонли мажлис баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Конституциявий ҳуқуқ соҳаси мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг етакчи тармоқларидан бири саналади. У ҳуқуқий тизимнинг мазмуни ва моҳиятини белгилашга жиддий таъсир кўрсатди. Конституциявий ҳуқуқ фанининг юриспруденциядаги нуфузи мазкур фан ўрганадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни билан ҳам белгиланади.

Замонавий конституциявий ҳуқуқ фанида ҳуқуқшуносликнинг бу соҳасини жаҳон конституциявий тажрибасининг ютуқлари ва жамиятни демократик қайта қуриш мақсадлари билан бирлаштирувчи мутлақо янги ёндашув ва қарашлар вужудга келди. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни илмий жиҳатдан талқин этиш демократик конституциявий тузумни шакллантириш ва такомиллаштириш масалаларини ҳам қамраб олади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – конституциявий ҳуқуқ фани, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида тутган ўрни ва роли, конституциявий ҳуқуқ манбаларининг хусусияти тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси - конституциявий ҳуқуқнинг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш; турли конституциявий институтларни танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш; мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш; конституциявий ҳуқуқий муносабатларга оид қонунларни амалда қўлай олиш кўникмасини шакллантириш; талабанинг мустақил таълим олишига қўмаклашиш.

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

- “Конституциявий ҳуқуқ” фанининг тушунчаси, категорияси ва асосий принципларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий бўлимларининг моҳиятини, Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқий ривожланиш хусусиятларини билиш, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши ва бошқарув шаклини билиш, Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаронинг мажбурият ва эркинликлари асосий ҳуқуқларини билиш, уларни ҳимоя қилиш усуллари ва чеклаш имкониятларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, давлат органлари тизимини ва уларнинг фаолияти принципларини, давлат ва жамият ҳаётида конституциянинг аҳамиятини билиш, асосий ҳуқуқий актларни мазмунини билиш, конституциявий тартибга солишнинг предмет ва

методини билиш, конституциявий ҳуқуқнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишининг, давлат тузилишининг тавсифини, давлат ва шахс, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий конституциявий принциплари, давлат ҳокимияти тизимининг фаолияти ва шаклланиши, бевосита демократия шакллари амалга ошириш, конституциявий одил судловни амалга ошириш тўғрисида **тасаввур ва билимга эга бўлиши;**

- Конституциявий ҳуқуқнинг хусусиятларини тўғри англаш, жамиятда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни конституцион қонунчилик билан боғлай олиш, конституциявий-ҳуқуқий нормаларни шарҳлашни, конституцион-ҳуқуқий анализ ҳақида таассуротга эга бўлиш, ҳуқуқий материалларга эга бўлиш, бир қанча ҳужжатларни тузишни билиш, булар учун етарли ҳужжатлар тўплаб ва асослаб беришни билиши, конституциявий ҳуқуқ масалаларига оид оммавий мунозара, унинг амалга ошириш асосий методларини таҳлил қилиш ҳамда конституциявий қонунчилик соҳасидаги норматив актлар устида ишлаш учун керакли материалларни тайёрлаш, конституцион нормаларни етказа билиш, конституцион-ҳуқуқий бошқариш каби **кўникмаларига эга бўлиши керак;**

Конституциявий-ҳуқуқий анализни билиш, ўқиш давомида олган билимларни касбий ва жамият-сиёсий фаолиятда ижодий қўллаш билиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан тақдим этилган асосий ҳуқуқ ва эркинликларни профессионал фаолиятида, мамлакатнинг жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишда квалитацион ва профессионал қўллаш билиш, қиёсий анализ методи ва методологияларини қўллаш олиш, мураккаб давлат-ҳуқуқий муаммоларга илмий-тадқиқот ёндашишни билиш, конституциявий-ҳуқуқий нормаларни шарҳлашни, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, уларнинг функциялари ва асосий вазифаларини, давлат органларининг ташкил этилишини такомиллаштириш усулларини, конституциявий ҳуқуқ соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тузишни ва расмийлаштиришни, аҳоли ўртасида Конституциянинг асосий қоидалари бўйича тушунтириш ишлари олиб бора олиш, назарий билимларини амалиётда қўллаш олиш, конституциявий ҳуқуқнинг замонавий услубларини қўллаш олиш каби малакасига эга бўлиши керак.

III АСОСИЙ ҚИСМ

Маъруза машғулотларининг мазмуни

1-мавзу. Конституциявий ҳуқуқнинг умумий тавсифи ва унинг назария асослари

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчаси ва предмети. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг етакчи соҳаси сифатида.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари. Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар. Конституциявий ҳуқуқий муносабат субъектлари. Конституциявий ҳуқуқ тизими, Конституциявий ҳуқуқ вазибалари, конституциявий-ҳуқуқ нормалари масалаларининг ёритилиши.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши

Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат. Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. Конституциянинг қабул қилиниши. Конституцияда жаҳон конституциявий ривожланиш тажрибалари ҳамда миллий қадриятларнинг акс этиши. Конституциянинг тузилиши. Конституцияга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурати ва тартиби.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари

Давлат суверенитети ва унинг конституциявий асослари. Халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий асослари. Конституция ва қонуннинг устунлиги. Ташқи сиёсатнинг конституциявий асослари

4-мавзу. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари. Инсон ҳуқуқлари турлари. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари.

5-мавзу. Фуқароларнинг конституциявий бурчлари

Конституция ва қонунларга риоя этиш. Бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш. Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш. Ватанни ҳимоя қилиш ҳимоя қилиш.

6-мавзу. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Шахснинг конституциявий мақоми. Фуқаролик тушунчаси. Ягона фуқаролик. Фуқароларнинг тенглиги. Фуқароликка эга бўлиш асослари. Фуқароликни йўқотиш. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. Фуқаролик масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари.

7-мавзу. Жамиятнинг иқтисодий негизи.

Мулк шакллари ва тенг ҳуқуқлиги. Хусусий мулкни дахлсизлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши. Иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Исътемолича ҳуқуқларининг устунлиги. Мулкка эгалик

қилиш ва мулкдан махрум қилиш асослари. Умуммиллий бойликлар ва улардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш.

8-мавзу. Жамоат бирлашмалари.

Жамоат бирлашмаларининг тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятда иштироки. Конституциявий тузумга қарши фаолият юритувчи бирлашмалар тузишнинг таъқиқланиши. Ёшлар ташкилотлари. Давлат ва диний ташкилотлар муносабати.

9-мавзу. Оиланинг конституциявий асослари

Оила жамиятнинг асосий бўғини. Оиланинг жамият ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши. Никоҳ тузиш асослари. Ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлар олдидаги мажбурияти. Давлатнинг ота-оналар васийлигидан махрум бўлган ҳамда етим болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитиш вазифаси. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ота-оналарига ғамхўрлик қилишга мажбурлиги. Оммавий ахборот воситалари

10-мавзу. Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши.

Ўзбекистоннинг давлат тузилиши шакли. Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳуқуқий тузилиши. Маъмурий-ҳуқуқий бирликларни ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

11-мавзу. Қорақалпоғистон республикаси

Қорақалпоғистон республикасининг ҳуқуқий мақоми. Қорақалпоғистон Республикаси - Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва давлат тузилиши.

12-мавзу. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш.

Давлат ҳокимияти тизими. Ҳокимият тизимини бўлиниши принципи. Давлат фаолиятида ижтимоий адолат ва қонунийлик принципи. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдида масъуллиги. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати.

13-мавзу. Сайлов ҳуқуқи ва тизими.

Сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи тушунчаси. Сайлов ҳуқуқи принциплари. Сайловларда эркинликни таъминлаш. Сайлов жараёни ва субъектлари. Сайлов цензлари. Сайлов ўтказиш муддатлари. Сайлов кампаниясини эълон қилиш. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов.

14-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси

Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва вазифаси. Олий Мажлиснинг таркибий тузилиши. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини ташкил этиш. Палаталарнинг ҳуқуқий мақоми ва ички тузилиши.

Палаталарнинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари. Қонунчилик жараёни. Қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми.

15-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Президент мақоми. Президентнинг сайлаш тартиби. Президент ваколатлари. Президент фаолиятининг кафолатлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Президент томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатиб юбориш тартиби.

16-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси

Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш. Вазирлар Маҳкамаси таркиби. Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

17-мавзу. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими, вазифаси. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари – давлат ҳокимиятининг вакиллик органи. Маҳаллий кенгашларни ташкил этиш тартиби, таркиби, фаолият шакли. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳуқуқий мақоми. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари. Ҳоким – вакиллик ва ижро ҳокимияти бошлиғи. Ҳокимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби.

18-мавзу. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Ўзини ўзи бошқарув тушунчаси. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг вазифалари. Фуқаролар йиғинини ташкил этиш тартиби. Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби.

19-мавзу. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти

Суд ҳокимияти вазифаси. Суд ҳокимияти тизими. Ташкил этиш тартиби. Ташкил этиш ва фаолиятнинг асосий принциплари.

20-мавзу. Прокуратура органлари

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми. Прокуратура органлари тизими ва вазифалари. Прокуратура органлари иш фаолиятининг асосий принциплари. Прокурорларни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш.

IV Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Конституциявий ҳуқуқ предмети, тушунчаси ва услублари
2. Конституция назарияси
3. Ўзбекистон республикаси конституциявий ҳуқуқи нормалари тушунчаси, манбалари ва тизими
4. Ўзбекистон республикаси давлат суверенитети
5. Ўзбекистон республикасида халқ ҳокимиятчилиги
6. Конституция ва қонуннинг устунлиги
7. Ўзбекистон республикаси конституциясида инсон ҳуқуқларига ҳос умумий қоидалар
8. Ўзбекистонда фуқаролик ва унинг конституциявий асослари
9. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар
10. Сиёсий ҳуқуқлар
11. Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари
12. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий қафолатлари
13. Ўзбекистонда фуқаролар бурчларининг конституциявий асослари
14. Жамиятнинг иқтисодий негизлари
15. Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асослари
16. Ўзбекистон республикасининг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши
17. Ўзбекистон республикаси Олий мажлисининг конституциявий мақоми
18. Ўзбекистон республикаси Президентининг конституциявий мақоми
19. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми
20. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
21. Ўзбекистон республикаси суд ҳокимиятининг конституциявий асослари
22. Сайлов тизимининг конституциявий асослари
23. Ўзбекистон республикаси прокуратура органларининг конституциявий мақоми
24. Ўзбекистон республикаси мудофаа ва хавфсизлигин таъминлашнинг конституциявий асослари

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Конституцияларни туркумларга (турларга) бўлиш (классификациялаш)
2. Формал ва моддий Конституция. Юридик ва амалий Конституция.
3. Конституциянинг юридик хусусиятлари .
4. Конституциянинг юридик мазмуни .
5. Конституциянинг функциялари .
6. Конституциянинг тузилиши
7. Конституция лойиҳаларини тайёрлаш
8. Конституцияни қабул қилиш усуллари
9. Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари
10. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
11. Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши ва турлари
12. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг субектлари, объектлари ва турлари
13. Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари
14. Ўзини - ўзи назорат қилиш саволлари
15. Ўзбекистон республикаси давлат суверенитети
16. Ўзбекистон республикасида ҳалқ ҳокимиятчилиги
17. Халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбайи
18. Конституция ва Ўзбекистон халқи
19. Референдум – бевосита демократия шакли
20. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи
21. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик – демократия шарти
22. Халқ ҳокимиятчилиги ва умуминсоний қадриятлар
23. Ижтимоий адолат ва қонунийлик – демократиянинг муҳим шарти
24. Конституция ва қонуннинг устунлиги
25. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари
26. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари
27. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари
28. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги
29. Ҳуқуқлар дахлсизлиги ва суд ҳимояси
30. Фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ва йўқотишнинг умумий қоидалари
31. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг моҳияти ва турлари
32. Яшаш ҳуқуқи ва унинг кафолатланиши
33. Президентлик институтининг тарихан вужудга келиши ва ривожланиши
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

VI .Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар:

1. А.Х.Саидов ва бошқалар Конституциявий ҳуқуқ Дарслик. Т. «Сомплек Принт» нашриёти .-2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 649 б
3. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 564 б.
- 4.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2018
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2019.
4. Жаҳон Конституциялари (Жаҳон давлатлари Конституциялари тўплами, 1–жилд). Тузувчилар: У.Тожионов, А.Х.Саидов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – 457 б.
5. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик . ТДЮИ, 2010. – 610 б.
6. Хайитов Х., Мирзаев Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. – Т.: ТДЮУ, 2013. – 43
7. Асадов Ш., Ахмедшаева М., Зулфиқоров Ш. Сайловга оид атамаларнинг қисқача изоҳли луғати. – Т.: ТДЮУ, 2015. – 40 б.

Ахборот манбалари:

www.tdpu.uz

www.lex.uz

www.ziyonet.Uz

www.pedagog.uz

www.bilim.uz

www.gov.uz

www.nadlib.uz (А.Navoiy nomidagi O'z.MK)

<http://ziyonet.uz> — Ziyonet axborot-ta'lim resurslari portal

ДОЙМХА